

Юсупов Собир Хоразм вилояти, Хонқа тумани Сарапоян қишлоғидаги фермердеҳконлардан бири. У олий маълумотли, мевачилик, сабзавотчилик ва кўп йиллик манзарали экин турлари бўйича етакчи мутахассислардан бири ҳисобланади.

Собир ака кейинги 40 йилдан ортиқ вақт давомида мевали экинлар ва узумнинг маҳаллий навларини тўплаш, ўрганиш ва кўпайтириш бўйича шуғулланиб келади ва Хоразм вилоятида боғдорчиликнинг ривожланишига катта ҳисса қўшди.



Юсупов Собир маҳаллий узум нав қаламчаларини тайёрлаш ва сақлаш бўйича Қорақалпоғистонлик фермер-кўчатчи Ҳакимбаева Олтиной билан суҳбати

У мевачилик сирларини отаси Абдиримов Жуманияздан кўп йиллар давомида бирга ишлаш натижасида ўрганди. Юсупов Собирнинг 7 фарзанди, келинлари ва 14 неваралари бўлиб, улар ҳозир ҳам хўжаликда отасига яқиндан ёрдам бериб келишмоқда.

Боғдорчиликка меҳр қўйган Юсупов Собиржон 2006 йилда мевали ва манзарали экинларнинг кўчатларини

етиштиришга ихтисослашган “Собир Юсуп” фермер хўжалигини ташкил этди ва унга раҳбарлик қилиб келмоқда.

2009 йилдан бошлаб фермер хўжалигига полиз ва сабзавот экинлари уруғларини етиштириш вазифаси ҳам топширилган ва шу экин турларининг уруғчилиги билан ҳам шуғулланиб келмоқда.



Фермернинг боғида ўсайтган олманинг маҳаллий Қишқи Ҳазорасп нави дарахти

Хоразм вилояти тупроқ-иқлим шароитлари ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, боғдорчиликни ривожлантириш учун катта билим, тажриба ва матонат талаб этади.

Юсупов Собиржон боғдорчиликда навнинг аҳамиятини яхши тушунганлиги учун ҳам вилоятга янги навларни интродукция қилишга, маҳаллий шароитларда ўрганишга катта эътибор бериб, мунтазам равишда янги навларни вилоятга олиб келмоқда ва синаб кўрмоқда.

Фермер хўжалигида 6,0 га ер майдони бўлиб, шулардан 3,0 га боғ, 0,5 га узумзор, 2,0 га мева кўчатзори ва қолган майдон

манзарали экинларни кўпайтириш учун фойдаланилади.

Мевали экинлардан олма, нок, ўрик, шафтоли, гилос, бодом, анор, анжир боғлари яхши ҳолатда бўлиб, олманинг Қишқи Ҳазорасп, Ёзги Ҳазорасп, Ренет Симиренко, Голден делишес, Беш юлдуз, Сох гўзали, Қизил олма, Золотое Грайма, Муз олма, Шўр олма ва бошқалар; нокнинг Юрт нашвати, Дилафруз; ўрикнинг Нукул, Қандак, Хоразм нукули, Оқ қандак ва бошқа навлар етиштирилмоқда ва кўчатзорда кўпайтирилмоқда.



С. Юсупов ўзининг томорқасида мева экинлари маҳаллий навларини кўпайтириш ва уларни сифатини назорат қилиш бўйича кузатувлар олиб бормоқда

Фермер хўжалигида мевали экин навларини кўпайтириш ва юқори сифатли андоза талабларига жавоб бера оладиган кўчатлар етиштириш учун ҳамма шароитлар мавжуд. Бунинг учун пайвандуст учун қаламчалар олинadиган она дарахтлар, пайвандтаг учун уруғ тайёрланадиган она уруғ дарахтларлари бўлиб, уларга фермер томонидан катта эътибор берилади ва яхши ҳолатда ушлаб турилади.

Уруғлар ва данаклар вилоятнинг тупроқ-иқлим шароитида ўсаётган, унинг таъсирида шаклланган маҳаллий намуналардан олинади. Фермер уруғларни икки муддатда кўчатзорга экади. Кузда стратификация қилинмаган уруғлар кўчатзорнинг биринчи даласига ноябрь ойларида экилади. Бунда уруғлар 4-6 см, данаклар 7-8 см чуқурликда жойлаштирилади ва бир метрга камида 25 та уруғ ёки данак экилади. Стратификация қилинган уруғлар баҳор ойларида анча саёз экилади.

Ниҳоллар август ойида пайванд қилинади, улар мунтазам равишда озиклантирилади ва суғорилади. Ўсимликларнинг ҳолатига қараб кўшимча азотли ўғитлар билан озиклантирилади.



Юсупов Собир мунтазам маҳалладошлари билан маҳаллий навлар тўғрисида суҳбатлашиб, навларни кўпайтириш ҳақида қимматли маслаҳатлар бериб келади

Фермер стандарт кўчатлар етиштириш учун шакл беришга катта эътибор беради. Ўсимликларнинг бўйи 75-80 см бўлганда, штамб баландлигини эътиборга олган ҳолда асосий новда чеканка қилинади ва тез орада ўсиб чиққан новдалардан 3-4 таси қолдирилади. Улар бир текис кесиб

жойлаштирилади ва улар келажакда дарахт шох-шаббасининг биринчи тартибли шохларига айланади.

Ҳамма агротехник тадбирларнинг муддатида ва сифатли бажарилганлиги туфайли фермер юқори сифатли Республикада қабул қилинган андозаларга жавоб берадиган кўчатлар етиштирмоқда.

Фермер хўжалиги йилига 40 мингдан ортиқ мевали экинларининг истиқболли навларини ишлаб чиқаришга етказиб бермоқда.



Ушбу буклет Biodiversity/UNEP-GEF «Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш тизимларида экосистемаларни бошқариш ва қўллаб-қувватлаш функцияларини яхшилаш учун қишлоқ хўжалик экинлари биохилма-хиллигини сақлаш ва ундан барқарор фойдаланиш» лойиҳаси доирасида тайёрланди ва нашр этилди.

Таклиф ва мулоҳазалар учун контактлар:

Академик Маҳмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти (М.Мирзаев ном. БУВаВ ИТИ)

Манзил: 111116, Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Гулистон қишлоғи, Чимкент йўли кўчаси

Тел.: (+99871) 220-24-42, (+99871) 220-26-82

Факс: (+99871) 220-26-48 Эл. почта: mevaiti@agro.uz

Расмда: Юсупов Собир – Хоразм вилояти, Хонқа тумани, Сарапоян қишлоғидан, фермер хўжалигининг маҳаллий олма нави богиди.

Тузувчилар: К.И. Байметов, П.Т. Назаров.
А.К. Қайимов умумий таҳрири остида.

**Академик М. Мирзаев номидаги
боғдорчилик, узумчилик ва
виночилик илмий-тадқиқот
институти**

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИНИНГ ШЎРЛАНГАН ЕРЛАРИДА МЕВА ЭКИНЛАРИ НАВЛАРИНИ ПАРВАРИШ ҚИЛИШДА ФЕРМЕРНИНГ УСУЛЛАРИ



Тошкент – 2018